

хелс жр 1-27 1-51

Ишонч ва юксак салоҳият
«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг
асосий мезони ҳисобланади
(2-бетда ўқинг).



Тадбиркорлик ривожда
банк кредитлари.....5

Кадрлар салоҳиятидан
самарали фойдаланиш.....7

БАНК АЖВОРОННОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 1 (972), 2015 йил 7 январь

www.banknews.uz

Аёллар тадбиркорлиги ривожининг йўлидаги саъй-ҳаракатлар

Банклар фаолиятида устувор аҳамиятга эга

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аёллар тадбиркорлигини фаол молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга кўтаришга кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиш, хотин-қизларга моддий ва маънавий жиҳатдан кўмак кўрсатиш, маиший шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори А.Қосимов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий

Бунда эса, кўпгина ташкилот ва муассасалар қатори тижорат банклари ҳам тадбиркор аёлларнинг бизнес-режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Пойтахтимиздаги Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида айнан шулар ҳусусида сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси И.Баситханова, Ўзбекистон

ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратилиб, бунинг самарасида аёлларнинг оила, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва роли тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаб ўтишди. Шу билан бирга, республикаимизда хотин-қизларга ўз тадбиркорлик қобилиятларини рўёбга чиқариш учун яратилган зарур шарт-шароитлар ва имтиёзлар натижасида ушбу соҳада ўз фаоллиги билан ажралиб турган тадбиркор аёллар сафи тобора кенгаймоқда.

Статистик маълумотларга кўра, ҳозирда Ўзбекистонда фаолият юритаётган жами тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Ўзбекистонда 200 мингга яқин тадбиркор аёл расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бораёпти, 300 мингга яқин аёллар эса мустақил иш юритмоқда.

(Давоми 6-бетда).

Қайта молиялаш ставкаси туширилди

Инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, иқтисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ошишини янада рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви 2015 йилнинг 1 январидан қайта молиялаш ставкасини амалдаги **10 фоиздан 9 фоизгача** тушириш бўйича қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

Давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг фаол иштироки

Мамлакатимиз банк тизимининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлашдаги иштироки салмоқли бўлди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 2014 йил – «Соғлом бола йили», деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган умумдавлат дастурида белгиланган вазифалар – оилаларда юксак ахлоқий кадриятларни шакллантириш, оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш, аёлларнинг кундалик уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш ва қобилиятларини намоён этиш, ёшларни, айниқса касбхунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, оилавий бизнесни ривожлантириш, ёш оилаларнинг уй-жой шароитини яхшилашда моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш орқали халқ турмуш даражаси ва сифатини ошириш, иш билан бандликни, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг из-

чил ўсишини таъминлаш, соғлом авлодни вояга етказиш учун зарур бўлган инфратузилмаларни барпо этиш борасида тижорат банкларининг ҳиссаси катта бўлди.

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бормоқда.

Тижорат банклари 2014 йилда ҳам соҳа субъектларини, айниқса, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари битирувчи ёшларининг бизнес-режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратди. Соҳа субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8,6 трлн. сўм ёки 2013 йилгидан 1,3 фоиздан ошиқроқ миқдорда кредит маблағлари йўналтирилди.

(Давоми 6-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 6 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1953,69	1 Канада доллари	2053,56	1 Норвегия кронаси	317,27	1 евро	2960,23
1 Англия фунт стерлинги	3705,68	1 Хитой юани	389,74	1 Польша злотийси	674,39	10 Жанубий Корея вони	21,86
1 Дания кронаси	389,04	1 Кувайт динори	8256,64	1 Сингапур доллари	1814,82	10 Япония иенаси	201,18
1 БАА дирҳами	660,01	1 Россия рубли	43,11	1 СДР	3512,25	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2424,23	1 Украина гривнаси	153,74	1 Туркия лираси	1034,23		
1 Миср фунти	339,05	100 Ливан фунти	160,33	1 Швеция кронаси	304,36		
1 Исландия кронаси	18,88	1 Малайзия ринггити	684,81	1 Швейцария франки	2410,01		

DOLZARB MAVZU

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов натижалари эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича 22 сайлов округида бўлиб ўтган такрорий овоз бериш якунлари кўриб чиқилди.

барча 135 сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови якунланди.

Шу куни сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов якунларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифингда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайлов миллий сайлов қонунчилигида мустақамлаб кўйилган очиқлик, ошкоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла риоя қилинган ҳолда ўтказилганини қайд этди.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида кўзда тутилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг изчил амалга

оширилгани бунда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Сайловолди кампаниясида қонунчиликда белгиланган барча учун мажбурий ва бир хил норма ҳамда талабларга тўлиқ амал қилинди.

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, сиёсий партиялар ва улар томонидан илгари сурилган депутатликка номзодларга сайловолди кампанияси, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш, сайловолди ташвиқоти амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар тақдим этилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови натижаларига кўра, 150 депутат, жумладан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон «Миллий тикла-ниш» демократик партияси-

дан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан 20 нафар депутат сайланганини маълум қилди. 15 депутат Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг вакиллари. Сайланган 150 депутатнинг 24 нафари хотин-қизлардир.

Сайланган 150 депутатдан 40 нафари илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу сайланган депутатлар нафақат ўз сайловчиларининг ишончига сазовор бўлгани, балки парламент Қонунчилик палатаси фаолиятида уларнинг ҳаётий тажрибаси ва қонун ижодкорлиги бўйича амалий кўникмаларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар фаолияти сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ миллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситаси, жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашр ёритиб борди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материал эълон қилинди.

5 халқаро ташкилот – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, 52 хорижий давлатдан 340 дан ортиқ кузатувчи ва депутатликка номзодларни илгари сурган сиёсий партияларнинг 70 мингдан зиёд кузатувчиси ва ваколатли вакили сайловни мониторинг қилиб борди.

Барча бўғиндаги сайлов комиссияларининг уюшқоқлик билан мустақиллик, қонунчилик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлик тамойилларига асосланган фаолияти сайловнинг демократик принциплар асосида ўтказилиши, ушбу жараёнда амалдаги қонунчиликка риоя қилинишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов халқимиз демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон танлаган йўлга содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Ў.А.

Аниқ мақсад сари интилиш тижорат банклари фаолиятида муҳим аҳамиятта эга. Бунинг натижаси, айниқса, эски йилни кузатиб, янги йилни қарши олишда намоён бўлади. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов билан уюшгирган суҳбатимизда мазкур муассаса фаолияти билан боғлиқ долзарб масалалар – ўтган йил самараси ва янги режалар ойдинлаштирилди.

– **Жаҳонгир Обиджонович, 2014 йилда банк томонидан қандай устувор вазифалар ва лойиҳалар ҳаётга самарали татбиқ этилди?**

– «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бугунги кунда республикамиз ижтимоий-иқтисодий жабҳалари ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир давлат дастурлари ижроси учун инвестициялар жалб қилишда ўзига хос ўрин эгалловчи йирик муассаса ҳисобланади. Марказий банк билан ҳамкорликда иқтисодиёт реал сектори, жумладан, нефть-газ, кимё, энергетика ва бошқа саноатнинг йирик тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгилашда банкимиз ҳар йили бир қатор лойиҳаларни молиялаштириб, мазкур соҳаларга оид инновацияларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этмоқда.

Чунончи, 2014 йилда банкимиз томонидан молиялаштирилган лойиҳалар қаторида «Сургилъ конида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш», «Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суўлтирилган ёнилғи ва парафинлар ишлаб чиқариш», «Ангрен иссиқлик электр станциясида 130-150 МВт қувватга эга энергоблоклар қурилиши», «Чорбоғ ГЭСни модернизация қилиш», «Кўнғирот сода заводида калцийли сода ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш» каби йирик лойиҳаларни санаб ўтиш мумкин. Иқтисодиётнинг ушбу базавий тармоқларига муассаса томонидан 1 171 млрд. сўмлик

Ишонч ва юксак салоҳият

«Ўзсаноатқурилишбанк» фаолиятининг асосий мезони ҳисобланади



инвестицион кредит ва лизинглар ажратилиб, уларнинг 80 фоизи саноатга йўналтирилди.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳисобот даврида давлат Инвестиция дастурига асосан 13 та лойиҳага 361,4 млн. АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, банкимиз томонидан жами 245 та лойиҳа учун 89 млрд. сўмлик кредит маблағлари жалб қилиниб, натижада 2 706 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, иқтисодиётимизни ривожлантиришда етакчи кучга айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 617,4 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари ажратилиб, 61,5 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан эса, 77,8 млрд. сўмлик сармоялар йўналтирилди.

Бундан ташқари, банк аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган барча йўналишдаги ислохотларни молиявий қўллаб-қувватлашда ўз жонбозлигини кўрсатди. Хусусан, аҳолини уй-жой ва замонавий маиший техникалар билан таъминлаш-

га 33,7 млрд. сўмлик ипотека ва истеъмол кредитларини ажратди. 8 та «Камолот» уйлари қурилишини молиялаштириб, яқин келажақда 256 та ёш оила турар-жойга эга бўлишига ўз ҳиссасини қўшди. Якунланган йилда банк ўз балансига олинган банкрот корхоналар фаолиятини комплекс соғломлаштириш, у ерда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда истиқболли инвесторларга сотиш бўйича ҳам самарали натижаларга эришди.

– **«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг ўтган йилги фаолияти якунларини қандай баҳолаш мумкин?**

– Иш тажрибаси қарийб бир асрга тенглашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ фаолияти тобора барқарорлашиб бормоқда. Бугунги кунда муассасамиз мамлакатимизнинг турли бурчакларида 44 та филиали, 42 та мини-банк, 57 та жамгарма кассаси ҳамда 150 га яқин бошқа тўлов шохбчалари орқали 1 млн.га яқин миқозларга замонавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Табиийки, бундай кенг қўламли фаолият «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг молиявий барқарорлигида муҳим ўрин тутмоқда. 2014 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 483 млрд. сўмни, жумладан, устав капитали 372 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, ушбу даврда муассасанинг соф активлари 7 трлн. 729 млрд. сўмга, шундан кредит қўйилмалари 6 трлн. сўмга етди. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳисобига депозит базаси 1 трлн. 900 млрд. сўмни ташкил этди.

Шунингдек, банкимиз 2014 йилда чакана хизматлар бозорини кенгайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратди. «Шахсий кабинет», «Домашний банк», «Call-centre» каби интерактив хизмат турларини жорий қилди. Коммунал тўловларни

BANK FAOLIYATI



Тижорат банкларининг якка тартибдаги рейтинг натижалари шарҳи

«Равнақ-банк» ХАТБ

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича рейтинг мониторинги натижаларига кўра, «Равнақ-банк» хусусий акциядорлик-тижорат банкига «барқарор» прогнози билан миллий шкала бўйича «uzB» даражасидаги кредит рейтингини тасдиқлади.

Таҳлил этилаётган давр мобайнида «Равнақ-банк» ХАТБ бизнесининг миқёси барқарор суръатлар билан кенгайиб борди. Масалан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банк активлари ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 35,31 фоизга ошди ва 57,5 млрд. сўмдан кўпни ташкил этди (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 42,5 млрд. сўмдан зиёд). Шу жумладан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банкнинг кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,75 фоизга ошди ва 29,3 млрд. сўмдан кўпни ташкил этди (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – деярли 16,0 млрд. сўм).

«Равнақ-банк» ХАТБнинг капиталлашуви мақбул даражада баҳоланмоқда. Масалан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банкнинг хусусий капитали ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 24,78 фоизга ошган ва деярли 19,6 млрд. сўмни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – деярли 15,7 млрд. сўм). Шу билан бир вақтда «Равнақ-банк» ХАТБнинг хусусий ка-

питал билан таъминланганлик кўрсаткичи 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича 34,04 фоизни ташкил этди (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 36,92 фоиз).

«Равнақ-банк» ХАТБнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари даражаси мақбул даражада баҳоланмоқда. Масалан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банк кредит портфелининг даромад келтирувчи активларга нисбати 87,10 фоизни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 73,55 фоиз). Шу билан бир вақтда «Равнақ-банк» ХАТБ даромад келтирувчи активларининг депозитлар ва жалб этилган маблағларга нисбати 2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича 85,33 фоиздан 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича 90,04 фоизга ошган. Кўриб чиқилаётган даврда «Равнақ-банк» ХАТБнинг банклараро қарзларининг банклараро активларга нисбати кўрсаткичи 95,30 фоизни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 19,48 фоиз).

«Универсалбанк» ХАТБ

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича рейтинг мониторинги натижаларига кўра, «Универсалбанк» хусусий акциядорлик-тижорат банкига миллий шкала бўйича «uzB» даражасидаги кредит рейтингини тасдиқлади ва бир вақтнинг ўзида рейтинг бўйича прогнози «ижобий» даражасигача кўтарди.

Таҳлил этилаётган давр мобайнида «Универсалбанк» ХАТБнинг бизнес миқёси барқарор суръатлар билан кенгайган. Масалан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банк активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10,15 фоизга ошган ва 66,4 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – деярли 60,3 млрд. сўм). Шу жумладан, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банкнинг кредит портфели ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 39,85 фоизга ошиб, деярли 35,3 млрд. сўмни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 25,2 млрд. сўмдан ортиқ).

«Универсалбанк» ХАТБнинг капиталлашуви мақбул даражада баҳоланмоқда. 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банкнинг хусусий капитали ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9,66 фоизга ошган ва 20,1 млрд. сўмни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 18,4 млрд. сўм). Шуни қайд этиш керакки, 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича «Универсалбанк» ХАТБ умумий капитали ва I даражали капиталнинг етарлиги ко-

эффицентлари тегишли тарзда 28,20 фоиз ва 31,80 фоизни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 31,40 фоиз ва 37,30 фоиз).

«Универсалбанк» ХАТБнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлиги кўрсаткичлари даражаси мақбул деб баҳоланмоқда. 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича банк кредит портфелининг даромад келтирувчи активларга нисбати 90,12 фоизни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 83,27 фоиз). Шу билан бир вақтда «Универсалбанк» ХАТБ даромад келтирувчи активларининг депозитлар ва жалб этилган маблағларга нисбати 2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича 72,80 фоиздан 2014 йилнинг III чораги якунлари бўйича 85,65 фоизгача ошган. Кўриб чиқилаётган даврда «Универсалбанк» ХАТБнинг банклараро қарзларининг банклараро активларга нисбати кўрсаткичи 282,55 фоизни ташкил этган (2013 йилнинг III чораги якунлари бўйича – 254,60 фоиз).

қабул қилиш тизими доирасида «Мобиль коммунал инспектор», «Мунис» дастурини ишга туширди. Бевосита мижозлар билан ишловчи ходимлар малакасини оширишга катта эътибор қаратиб, улар учун махсус ўқув қўлланмалар ва семинарлар ташкил қилинди. Бундан ташқари, барча филиалларда «Мижозлар столи» ташкил этилиб, улар компьютер технологиялари (интернетга уланган) ҳамда канцелярия товарлари билан таъминланди. Айни пайтда филиалларда менежер хизматини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Пластик карталар тизимини ривожлантириш борасида 2014 йил бошидан ҳисобот даврига қадар 220 мингта пластик карта муомалага чиқарилиб, қўшимча 3 мингта терминал сотиб олинди. Ушбу воситалар орқали эса, йил бошидан буён 1,4 трлн. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Доимий равишда ўз салоҳиятини ошириб бораётган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ асосий кўрсаткичлари, мижозлар базаси ва барча турдаги банк хизматлари ҳисобида бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари орасида йирик бешлик таркибига киради. Банкнинг ишончли ва барқарор фаолияти «Standard & Poor's» ҳамда «Fitch Ratings» халқаро рейтинг агентликлари томонидан ҳам тасдиқланиб, «B+/B» даражада, муассаса истиқболи «барқарор» дея баҳоланди.

– **Жорий йилда банкингиз томонидан қандай янги лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган?**

– Аввало шуни айтиш керакки, «Ўзсаноатқурилишбанк» мамлакатимиз молия бозорида барқарорлигини янада ошириш ва ривожлантириш бўйича ўз дастурига эга. Бунда асосан тўртта устувор йўналиш белгилаб олинган бўлиб, уларнинг дастлабкиси банкни малакали ходимлар билан таъминлаш ва қайта тайёрлаш, уларни рағбатлантириш тизимини жорий этишдан иборат. Мижозлар билан сифатли ишлаш тизимини такомиллаштириш, хусусан, ҳар бир мижоз учун алоҳида юқори савиядаги хизмат кўрсатиш тизимини янада та-



комиллаштириш фаолиятимизнинг асосий мезонларидан саналади. Шунингдек, белгиланган вазифалар қаторида бугунги кунда банк томонидан кўрсатилаётган хизматларни мижозлар талаб ва истакларига мувофиқлаштириш, маҳаллий ва хорижда банклар томонидан кўрсатилаётган хизматларни ўрганиб чиққан ҳолда, эҳтиёж юқори бўлган янги банк маҳсулотлари ва инновацион хизмат турларини жорий қилиш ҳам асосий ўрин тутган. Тўртинчи йўналиш бу – банк тизимида барча йўналишлар бўйича ахборот технологияларини ривожлантириш ҳисобланади.

2015 йил Юртбошимиз ташаббуси билан «Кексаларни эъзозлаш йили», деб эълон қилинди. Ўз навбатида, «Ўзсаноатқурилишбанк» ҳам республикамиздаги йирик молия муассасаси сифатида ушбу давлат дастури ижросининг муваффақиятли амалга оширилишига ўз ҳиссасини қўшади. Бундан ташқари, банк ўз молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида капиталлашув даражасини ошириш, активларини соғломлаштириш ҳамда ресурс базасини мустаҳкамлаб, иқтисодиётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятларини кучайтиради. Кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, чакана хизматларни ривожлантириш борасида ҳам банк ходимлари доим изланишда. Хусусан, яқин истиқболда «Электрон навбат» тизими жорий этилади, аҳоли эътиборига янги турдаги истеъмол кредитлари ҳавола қилинади, интерактив хизматлар доираси кенгайтирилади.

– **2015 йилда ҳамкасбларингизга тилақларингиз.**

– Янги йил ҳар бир жамоа учун сарҳисоб ва истиқболдаги режаларни белгилаб олиш имконини берувчи давр. Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ ҳам ҳар янги йилни муассасанинг молия бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи режалар билан қарши олади. Ушбу мақсад йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётган жамоамиз ходимларига соғлиқ, оилаларига тинчлик ва туганмас куч-ғайрат тилайман.

Шунингдек, жорий «Кексаларни эъзозлаш йили»да банк тизимида узоқ йиллардан буён фаолият юритиб келаётган соҳа фахрийлари – устозларимизга ҳам энг эзгу тилақларни билдираман.

– **Сухбатингиз учун ташаккур!**

Назира МАВЛОҲОВА суҳбатлашди.

OVOD MANZILLAR

Янги йилни янги уйда кутиб олдик

Андижон шаҳрида қирқ саккиз ёш оила учун қурилган «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга улкан эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

– Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида Андижон шаҳрининг Тошкент кўчасида барча шароит ва қулайликларга эга «Камолот» уйи барпо этилди, – дейди «Камолот» ёшлар

ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти кенгаши раиси А.Жумабоев. – Бу уйлارнинг ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида берилаётгани ёшлар қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг ота-оналари, яқинлари, бутун халқимизни ҳам беҳад мамнун этмоқда.

– Янги йилни янги уйда кутиб олганимиздан қувончимиз чексиз, – дейди Жалакудук туманидаги 17-давлат ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Рушана Рустамова. – Навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хунар ўрганиши, спорт билан шуғулланиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш билан бирга, ёш оилаларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга доимий эътибор қаратиб келаётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

48 хонадонга мўлжалланган уй-жой

Навоий вилояти Учқудук туманида Навоий конметаллургия комбинатининг шимолий кон бошқармаси томонидан ёш оилалар учун қурилган кўп қаватли, 48 хонадонга мўлжалланган уй-жой фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, хусусан, яшаш шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Янги уйга эга бўлганлар орасида шимолий кон бошқармасида самарали меҳнат қилиб келаётган Ортиқ Файзуллаев ҳам бор. Тадбирда унинг оиласига икки хонали уйнинг калити топширилди.

– Замонавий лойиҳа асосида қурилган янги уйимизнинг хоналари, айниқса, ошхонада яратилган шарт-шароит менга жуда маъқул келди, – дейди хонадон бекаси Маҳбуба Муллаева. – Шаҳарниқидан асло қолишмайдиган қулайликларга эга уйда яшаш кишининг кайфиятини кўтариб, ҳаётга қизиқишини янада оширади. Фарзандларимизнинг соғлом ва комил бўлиб улғайишига хизмат қилади. Ёш оилаларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитларда яшаб меҳнат қилиши учун барча шароитни яратиб бераётган Давлатимиз раҳбарига миннатдорчилик билдириб қоламиз.

Ёш оилаларга «Камолот» уйлари

Фарғона шаҳрида 33 ёш оилага мўлжалланган «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган кўп қаватли уйда барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва улар учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган ушбу йўналишдаги муҳим вазифалар ижроси юзасидан Фарғона вилоятида ҳам кенг

кўламли ишлар бажарилди.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган ёш оилалар учун бунёд этилган «Камолот» уйи ҳам ана шу эзгу ишларнинг давоми бўлди.

– Президентимиз раҳнамолигида ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган улкан эътибордан нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари, бутун халқимиз жуда хурсанд, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи бошланғич ташкилоти етакчиси Умидахон Ғофурова. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бир қатор тадбирлар белгиланган. Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ёшларнинг ҳаётга, яхши яшашга бўлган интилиш ва қизиқишини, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Янги йилни янги уйда кутиб олганимиздан хурсандимиз, – дейди янги уй соҳибби Абдурашид Комилов. – Биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан жуда ҳам мамнунимиз.

Ғамхўрликдан баҳраманд ёшлар

Самарқанд вилоятидаги Меҳрибонлик уйлари собиқ тарбияланувчилари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ва имконияти чекланган ёшларга Самарқанд шаҳридаги қирқ хонадонли кўп қаватли уй калитлари топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун кенг имкониятлар яратилиб, давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди. Айниқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида ҳар йили минглаб ёшлар учун имтиёзли шартлар асосида уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Ушбу ҳужжатларга асосан Самарқанд шаҳридаги тўрт қаватли умумий ётоқхона биноси тўлиқ таъмирланди, зарур шароитлар яратилиб, жиҳозланди.



– Давлатимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиб, Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйида камолга етдим, – дейди Сафар Жўраев. – Тенгдошларим қатори замонавий таълим-тарбия олдим, касб-хунар ўргандим. Бугунги кунда ҳайдовчилик касби билан шуғулланиб, рўзғор тебратмоқдаман. Икки нафар фарзандим бор. Шу пайтга қадар ижара уйда яшаб келаётган эдик. Бугун икки хонали шинам квартирага эга бўлганимиздан қувончимиз чексиз.

Янги уйга янги орзулар билан

Жиззах вилоятининг Мирзачўл тумани Ғалаба маҳалласида янги қурилган 12 хонадонли «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди.

Ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой ҳамда маиший шароитларини янада яхшилаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат

дастури бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилмоқда.

Янги уйларнинг калитини эгаларига топширишга бағишланган маросимда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаоллари, нуронийлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Янги хонадонларнинг эгаларига уй-рўзғор буюмлари, болажонларга совғалар топширилди. Нуроний отахон ва онахонлар юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, янги хонадон соҳибларига бахтсаодат тилаб дуо қилди.

– Юртбошимизнинг биз, ёшларга ғамхўрлиги туфайли

уй имтиёзли ипотека кредити билан йигирма йилга фойдасиз, бошланғич тўловсиз берилаётганидан беҳад мамнунимиз, – дейди янги уй соҳибларидан бири «Мирзачўлтумангаз» корхонаси чилангари Авазбек Омонов. – Замонавий асосда бунёд этилган уйдаги шароитлар шаҳардагидан асло қолишмайди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича белгиланган дастур асосида 2014 йилда вилоятда ёш оилалар учун мўлжалланган 86 хонадонли учта «Камолот» уйи қурилди. Жумладан, Ғаллаорол тумани Маржонбулоқ шаҳарчасидаги 56 хонадонли, Пахтакор туманидаги 18 хонадонли уйлар ҳам яқин кунларда ўз эгаларига топширилади.

TADBIRKORLIK

Мижоз ишончини
мустаҳкамлаб

«Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Кўқон филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, замонавий банк технологияларини жорий этиш ва интерактив хизматлар доирасини кенгайтириш бўйича изчил ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарорига мувофиқ, банкнинг вилоят бошқармаси ходимлари юқори сифатли хизматларни кўрсатишга ҳаракат қилмоқда.

2014 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, «Асака» банк Кўқон филиали томонидан кичик бизнес субъектлари учун молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 9 406,4 млн. сўм миқдоридоги кредитлар ажратилган. 2013 йилнинг шу даври билан солиштиришда ажратилган кредитлар 1,4 мартага ошган. Ушбу кредитлар натижасида 394 та янги иш ўрни ташкил этилган.

– 2014 йилда ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича ишлар изчил давом эттирилди, – дейди «Асака» давлат акциядорлик-тижорат банкининг Кўқон филиали бошқарувчиси Равшанбек БОБОЕВ. – Шу мақсадда хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг омонатларини жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинган эди. Ҳисобот даври мобайнида саккизта янги турдаги манфаатли ва жозибадор омонатлар жорий этилди. Шунингдек, молия секторини ислоҳ этишнинг бошқа долзарб йўналишлари бўйича ҳам чора-

лар амалга оширилди. Улардан бири – нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллари кенг жорий этилди. Шу мақсадда банк пластик карталарни чиқариш ҳажмини оширди, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини терминаллар билан жиҳозлашни давом эттирди.

Банкни замонавий ва чакана ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири минтақавий тармоқларни янада такомиллаштириш ҳисобланади. Банк миждозларга хизмат кўрсатишнинг барча босқичлари автоматлаштирилишини таъминламоқда, бунда у сервис сифатини ошириш ва миждозлар вақтини тежаш имконини берувчи маҳсулотларни ҳам, технологик ечимларни ҳам ривожлантирмоқда. Амалиётга интерактив банк сервислари тобора кенг жорий этиб борилмоқда. Бундай қулай хизматлар ҳисобланмиш «Интернет-банк», «SMS-банк», «SMS-тўлов» ва «SMS-омонат»дан кўплаб миждозлар фойдаланиб келмоқда.

Истеъмол кредитлари аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда. Аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва маҳаллий товарларга талабни рағбатлантириш мақсадида истеъмол кредитлари қулай шартларда тақдим этиб борилаётди.

Ҳамдам АМИНОВ.

Ёш тадбиркорнинг
салмоқли ютуқлари

Когонлик Дилрабо Шукурова тикувчиликка болаликдан қизиқадди. У Бухоро касб-хунар коллежида ўқиётган кезларида буюртмаларни бажаришда онасига кўмаклашарди. Дарвоқе, онаси Моҳира Шукуровани ҳамма моҳир тикувчи сифатида яхши танийди. Дилрабо коллежни битиргандан кейин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилди. 2012 йилда ўз ишини ташкил этиш учун «Микрокредитбанк» АТБдан энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоридоги кредит олди.



– Олинган кредит маблағлари ҳисобидан замонавий тикув дастгоҳлари сотиб олдим, – дейди Д. Шукурова. – Бугунги кунда «Чайка», «Россия» русумидаги ўн тўртта тикув машинасидан фойдаланяпмиз. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида Когон шаҳар ҳокимиятига тақлиф билан чиқдим. Бизга «Бухорои Шариф» маҳалла фуқаролар йиғини кўмагида икки хона ажратилди. Олинган кредит маблағини вақтидан олдин сўндирдик. Асосан болалар ва аёллар кийим-кечакларини тикаяпмиз.

Яқинда ёш тадбиркор Дилрабо Шукурова «Бухоротранстерминал» акциядорлик жамиятидан махсус кийим-бош тикиш учун йирик буюртма олди. Буюртмани муваффақиятли яқунлағач, «Когоннефтгазкурилиш», «Когонсувоқава» ходимларига кийим-бош тикиш учун шартномалар тузди ва Когон шаҳрининг бошқа йирик корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйди. Маб-

лағлар корхонанинг ҳисоб рақамига ўтказилган. Буюртма учун хомашё Тошкент шаҳридан сотиб олинган. Эндиликда тикувчилар корхоналар ишчи-ходимларига махсус кийим-бош тикиш билан машғул.


– Ўқув йили бошида бир жиянимга чиройли ўқувчилар кийимини тикиб берган эдим, – дейди Дилрабо. – Ушбу либос ўқитувчиларга ёқиб қолиб, мактаб ўқувчи-қизларига худди шундай кийим-кечаклар тикиш учун бизга катта ҳажмда буюртма беришди.

Асатилло ҚУДРАТОВ.

Паррандачиликда банк сармоялари улуши

Бугунги кунда паррандачилик мамлакатимиз агрорасаноат комплексининг барқарор ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда мамлакатимизда 28 мингдан ортиқ кўп тармоқли фермер хўжаликлари фаолият юритаётган бўлса, уларнинг маълум қисми паррандачилик йўналишидаги субъектлар ҳисобланади. Ўз фаолиятини 2008 йилда бошлаган «Имкон Бройлер» масъулияти чекланган жамияти ана шундай корхоналардан биридир.

– Истиклол йилларида юртимизда паррандачиликка эътибор кучайди, – дейди «Имкон Бройлер» МЧЖ раҳбари Анвар Яфаров. – Ҳукуматимизнинг бевосита гамхўрлиги туфайли тармоққа бир қатор имтиёзлар берилди. Хусусан, «Паррандасаноат» уюшмаси томонидан унинг тасарруфидаги хўжаликларга имтиёзли равишда бугдой, ўсимлик ёғи ва бошқа озуқа моддалари харид қилишга ёрдам берилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан санат паррандачилиги ва соҳага ихтисослашган фермер хўжаликларини қиш даврида биринчи даражадаги истеъмолчилар сифатида етарли миқдорда электр



энергияси, кўмир ва табиий газ билан таъминлаш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тармоқдаги хўжаликларни пахта чигити шроти ва бугдой кепакларини ем сотиладиган шохобчалар орқали эмас, балки биржа савдоларидан сотиб олишга рухсат бериш, уларга

қўшимча равишда парранда озуқалари ажратиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Тармоқни ривожлантиришда тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматлар эса алоҳида таҳсинга лойиқдир.

Айни пайтда «Имкон Бройлер» МЧЖда 135 нафар ишчи

меҳнат қилади. Корхона фаолиятини кенгайтириш, аҳолини сифатли парранда маҳсулотлари билан таъминлаш ва тадбиркорликда барқарор натижаларга эришиш мақсадида жамият Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тошкент шаҳар Учтепа филиалидан 2 млрд. 800 млн. сўм миқдоридоги кредит олиб, хўжаликка Россия Федерациясининг «Балт иза» хўжалигидан насли паррандалар келтирди.

– Дарҳақиқат, хўжалигимизда инкубаторлар ташкил этилган, – дейди А. Яфаров. – Ҳозирги кунда улар сони 26 та бўлиб, баҳор мавсумига қадар яна 18 та янги инкубатор ташкил қилишни режалаштирганмиз. Шунингдек, махсус хизмат кўрсатиш ҳамда вакцина хоналаримиз ҳам юқори даражада жиҳозланган. Биз яқин келажакда ТИФ Миллий банкдан яна кредит олиб, Германиянинг «Big Datchmen» компаниясидан юқори самарадорликка эга технологик ускуналар ха-

рид қилишни мақсад қилганмиз. Бу билан ишчиларимиз сони 170 тага ошади, маҳсулот етиштириш ҳажми 2 бараварга ўсади. Энг муҳими, маҳаллий истеъмол бозорида маҳсулотларимиз харидоргир брендлар қаторида ўз ўрнини мустаҳкамлайди.

Ҳақиқатан ҳам, зотдор паррандалар, уларни кўпайтириш, парвариш қилиш ва озиклантириш бўйича илғор технологияларнинг амалиётга жорий этилаётгани паррандачилик корхоналарида юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш ва уларнинг барқарор фаолият юритишини таъминламоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари доирасини кенгайтириш, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини таъминлаш, халқ истеъмоли бозорини арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга катта хизмат қилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

BANK VA TADBIRKOR

Аёллар тадбиркорлиги ривожини йўлидаги саъй-ҳаракатлар

банклар фаолиятида устувор аҳамиятга эга

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликда олиб борилаётган амалий ишлар самарасида 2014 йил – Соғлом бола йилида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Бунинг тасдиғи сифатида янги йил арафасида тадбиркор аёллар ўртасида «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» бўйича ўтказилган танловда ижтимоий аҳамияти юксак бўлган 50 та лойиҳа муаллифлари қимматбаҳо совғалар ва имтиёзли кредитлар билан тақдирланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тақдимот маросимида тадбиркор аёлларнинг бизнес-режалари асосида 3,5 млрд. сўмдан ортиқ лойиҳаларига тижорат банкларининг имтиёзли кредит ажратиш бўйича сертификатлари топширилди.

Маълумки, мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида» ги 3434-сонли Фармони ижроси юзасидан Марказий банк томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга, шу жумладан, аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган ва аёллар бошқарадиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратиш, оилавий тадбиркорликни тараққий эттириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган вақт мобайнида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари томонидан 3 трлн. 200 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилган бўлса, биргина ўтган йилда банкларнинг тадбиркор аёлларга салкам 1 трлн. сўмга яқин кредитлари ажратилиб, 2013 йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 1,3 баробарга ўсиши таъминланди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиздаги минглаб аёлларнинг ўз мустақил фаолиятига, даромад манбаига эга бўлишига, оилаларнинг бюджетини янада шаклланишига ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилмоқда.

Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кичик тадбиркорлик субъектлари-



ни микрокредитлашга оид меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, микрокредитлаш тартиблари анчагина соддалаштирилганлиги тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, тадбиркор аёлларга фаолиятини ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар олишига қулайлик туғдирмоқда.


– Банклар томонидан аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлашда асосан ҳудудлардаги олис қишлоқларга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди «Микрокредитбанк» АТБнинг Кредитлаш департаменти директори ўринбосари Алишер Суёмов. – Бу борада маҳаллий ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари, ҳу-

сусан, маҳалла фуқаролар йиғинларининг амалий кўмагида турли лойиҳалар амалга оширилиб, юқори натижаларга эришилмоқда. Шулардан бири «Микрокредитбанк» иштирокидаги «Тадбиркор аёл – баркамол авлод бунёдкор» лойиҳаси республика миқёсда истиқомат қилувчи аҳоли орасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагида бўлган хотин-қизларни микромолиявий хизматлар билан таъминлашга қаратилган. Мазкур лойиҳа бўйича дастлабки иш ана шундай ҳудудларни аниқлаш, амалий учрашув ва ўқув-семинарлари ташкил этишдан бошланган. Шу билан бирга, «Микрокредитбанк»нинг

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликдаги «Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий ҳуқуқларини ҳаётга кенг татбиқ этиш» лойиҳасида ҳам тадбиркорлик қобилиятига эга қишлоқ аёлларининг ўз бизнесини ташкил этишига кўмаклашиш, бу борада уларга бизнес-режа тузишнинг тартиб-тамойлари йўргатиш масаласи илгари сурилган. Лойиҳани амалга оширишдан мақсад аёлларнинг ўз оиласи бюджетини шакллантиришга ҳисса қўшишларини таъминлаш ва шу орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишдан иборатдир. Мазкур лойиҳанинг биринчи синнов босқичи республикамизнинг Қонликўл, Тошлоқ, Қарши, Юқори Чирчиқ, Фориш ҳамда Мирзаобод туманларида ўтказилиб, 174 нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолиятига оид бизнес-режаси молиявий қўллаб-қувватланди. Кейинги босқичда эса, ишлар қизғин тус олиб, 360 нафардан ортиқ аёлга гуруҳ кафиллиги асосида имтиёзли бошланғич сармоялар ажратилди.

– Бугун тадбиркорлар фаолиятида тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда, – дейди Музработ туманида- ➔

Давлат дастури ижросини таъминлашда банкларнинг фаол иштироки

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Мазкур ресурсларнинг қарийб 1,8 трлн. сўмини микрокредитлар ташкил этиб, бунда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг салкам 194 млрд. сўмга тенг бизнес-режалари имтиёзли шартлар асосида молиялаштирилди. Оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилган микромолиявий хизматлар миқдори қарийб 187,7 млрд. сўмни ташкил этди. 890,7 млрд. сўм ҳажмидаги кредит маблағлари тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ажратилди. Ушбу маблағлар устувор равишда ишчиларнинг 50 фоиздан ошиғини аёллар ташкил этган тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилди.

«Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш давомида ёшларни, жумладан, ёш

оилаларни кичик бизнесга жалб этиш учун улар ўртасида бизнесни юритиш, молиявий ресурсларни оқилona тақсимлаш бўйича ўқув курслари ташкил этилди. Оммавий тадбирлар билан бир қаторда конкурслар уюштирилди, улар томонидан ишлаб чиқарилётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматлар кўргазмалари ўтказилди. Оилавий бизнесни ривожлантириш учун ёш оилаларга кредит ва грантлар олишда кўмак берилди. Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш учун банклар филиалларида ва коллежларда ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилди.

Тижорат банклари фаолиятида қишлоқ жойларда иш билан бандликни таъминлаш ва кенгайтиришга жиддий эътибор берилгани кузатилади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 1,1 трлн. сўмдан зиён миқдорда кредитлар ажратилди. Натижада юзлаб қишлоқ жойларда янги ижтимоий ин-

фраструктура объектлари пайдо бўлди. Янги паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик хўжаликлари, иссиқхоналар ташкил этилди. Кредит маблағлари эвазига шахсий томорқа хўжаликларида мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари етиштириш изчиллиги таъминланди. Умуман олганда, республикамиз бўйича банк кредитлари эвазига 200 мингта янги иш ўринлари яратилди.

асосида 11 мингта турар-жой бинолари қуриш режаси амалга оширилди. Бунинг учун 1,7 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Қамолот» уйлари қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ёш оилалар банкларнинг 225,6 млн. сўм ҳажмидаги имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланиб, уй-жой харид қилишга муваффақ бўлди.

Тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес-режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлиги-

2014 йилда банкларнинг ўз ресурслари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига 11 мингта турар-жой биноларини қуриш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 1,7 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда ёш оилалар учун «Қамолот» уйлари қуриб, фойдаланишга топширилмоқда. Минглаб ёш оилалар банкларнинг 225,6 млн. сўм ҳажмидаги имтиёзли ипотека кредитларидан фойдаланиб, уй-жой харид қилишга муваффақ бўлди.

2014 йилда банкларнинг ўз ва жалб этилган маблағлари ҳисобига қишлоқ оилаларини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг маиший турмуш даражасини ошириш мақсадида намунали лойиҳалар

ни оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга муносиб ҳисса қўшиб бораверади.

Қамол НУРИЕВ,

BANK VA TADBIRKOR

ги «Музработ иссиқ нон» хусусий корхонаси раҳбари Мастоно Бобоева. – Ўз фаолиятини йўлга қўйган тадбиркорлик субъекти ҳукуматимиз томонидан яратилган қулай имкониятлар, чунончи, банкларнинг имтиёзли кредит хизматларидан самарали фойдаланиш мақсадида катта ишларга қўл урмоқда. Хусусан, ишлаб чиқарувчилар экспорт сари интилаётган бўлса, хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчилар соҳанинг янги йўналишларини ўзлаштиришга, комплекс тарзда фаолият юритишга ҳаракат қилапти. Корхонами ҳам «Микрокредитбанк»нинг Музработ тумани филиали томонидан ажратилган 39 млн. сўмлик кредит ҳисобига ишга туширилди. Ушбу маблағ эвазига дастлаб цех биносини мукамал таъмирдан чиқардик, сўнгга ускуналар олиб келиб ўрнатдик. Бугунги кунда бу ерда қандолат маҳсулотларидан ташқари бир кеча-кундузда 1500 донагача қолипчи нон ҳам тайёрланапти.

Шу билан бирга, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси доирасида Марказий банк томонидан барча зарурий чора-тадбирлар олиб борилди. Бу йўлда тижорат банклари аёлларнинг турмуш шароитини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, улар то-

монидан 2014 йилда маиший электр жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш орқали аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида маҳаллий уй-рўзгор буюмларини сотиб олиш учун 55,3 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Шунингдек, «Қорақалпоғистонлик аёлларнинг иқтисодий имкониятларини ошириш» лойиҳаси доирасида юздан зиёд кам таъминланган оилалар аёллари учун бизнес-режалар ишлаб чиқиш юзасидан ўқув дастурлари жорий этилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тикозек, Бозатау, Мадели қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида истиқомат қилаётган эҳтиёманд оилалардан 110 нафар қишлоқ аёли танлаб олиниб, иқтисодий билимлари оширилди, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилди. Уларга банк томонидан жами 220 млн. сўм миқдоридан ўзаро гуруҳ аъзолари кафилиги асосида бошланғич сармоялар ажратилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан Хотинқизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида хотин-қиз-

ларга, айниқса, ёш оилаларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар ва рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини жойларга етказиш мақсадида республиканинг энг чекка, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларида семинарлар ташкил этилди.

Ушбу амалий семинарлар тадбиркор аёлларнинг, шу жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш истагида бўлган аёлларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан яратилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишларига замин яратди.

Сирасини айтганда, но-зик елкаларида ҳам оила ишлари, ҳам раҳбарлик масъулиятини кўтариб, тадбиркорлик фаолиятини мамнуният ва фахр туйғуси билан олиб бораётган замонавий тадбиркор аёлларнинг ўз фаолиятларида ана шундай ютуқларга эришаётгани бу йўналишда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли амалий саъй-ҳаракатлар самарасидан далолатдир.

Бекзод АКРОМОВ.

Изланувчан ёш тадбиркор

Мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқариш, хусусан, озиқ-овқат саноатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 31 октябрдаги «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқариш-ни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Хоразм вилоятида амалга оширилаётган ишларда ёш тадбиркорларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётир.

– Тадбиркорлик ривожини учун давлатимиз томонидан яратиб берилган шароит ва имкониятлардан ёшларимиз самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилояти кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Жамшид Аллашуқуров. – Бир неча йигит-қизларимиз 2014 йилда ўтказилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» кўрик-танловида голибликни қўлга киритиб, имтиёзли кредит олиш, ўз бизнесини йўлга қўйиш ёки ривожлантиришга муваффақ бўлди. Урганчлик Маткарим Маткаримовни бунга мисол қилиш мумкин.

– «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» республика кўрик-танлови юқори ўринларидан бирининг соҳиби сифатида «Ипотека-банк»нинг Урганч филиалидан берилган 12 млн. сўмлик кредит эвазига ширинлик ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун замонавий печ ва бошқа ускуналар сотиб олдик, – дейди хусусий тадбиркор. – Бунинг натижасида ишимиз янада ривожланди. «Doda tort» савдо белгиси остида бозорга чиқараётган маҳсулотларимиз тури кўпайди. Ўн нафарга яқин тенгдошим доимий иш ўрнига эга бўлди.

Айни пайтда тадбиркор харидор таъби ва бозордаги талабни ўрганиш, маҳаллий хомашёдан янги турдаги маҳсулотлар тайёрлашнинг янги рецепт ва усулларини ўзлаштириш устида иш олиб бормоқда.



Ишлаб чиқариш кенгаймоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Эликқалъа туманидаги «Нуриммат Курбонов» кўп тармоқли фермер хўжалигида паррандачилик фабрикаси ишга тушди. Парҳез гўнги маҳсулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона 35 минг товук боқини қувватига эга.

Бунда «Асака» банк туман филиалидан олинган 400 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағлари қўл келди.

– Президентимиз раҳнамолигида фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор, уларнинг самарали фаолият юритиши учун яратиб берилган кенг имконият ва имтиёзлар бизни янада кўпроқ меҳнат қилишга, изла-нишга ундамоқда, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Маматшариф Курбонов. – Хўжалигимиз чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган. Энди ўзимиз етиштиратган маҳсулотларни қайта ишлаш, шу ернинг ўзида тайёр маҳ-

сулот сифатида дўконга чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Банк маблағлари эвазига хориждан замонавий технологиялар келтириб, парҳез гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладик. Шартнома асосида Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Имкон плюс» паррандачилик фабрикасида 10 минг дона жўжа харид қилинди. Жўжалар ўттиз беш кунда ҳар бири 1,6-2 килограмм тош босадиган ҳолга келтирилади ва бозорга чиқарилади.

Йилига 600 тонна парранда гўшти етиштириш режалаштирилган корхонада 15 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.

ЎЗА материаллари асосида.

Кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш

молиявий менежментни самарали бошқаришнинг асосий шартидир

Ходимлар бошқаруви банк тизимида муҳим ўрин тутди. Чунки, банк фаолиятининг самардорлиги кўпроқ ходимлар сифат таркиби, малакаси, салоҳияти ва бошқарув қобилиятига боғлиқ. Шунинг учун кадрлар сиёсатини самарали юритиш тижорат банкларидаги маъсул тузилмалар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунга «Агробанк» акциядорлик тижорат банкнинг Банк методологияси ва тренинг маркази бошлиғи Иброҳим Ҳакимов билан уюштирган суҳбатимизда яна бир бор амин бўлиш мумкин:

– Ходимлар бошқаруви банк менежменти тизимининг асосий қисмларидан ҳисобланиб, унинг устувор вазифаси кадрларнинг билим ва тажрибаларидан самарали фойдаланишга қаратилган. Таъкидлаш жоиз, бу молиявий менежментни самарали бошқаришнинг асосий шартини саналади. Шу боис, ҳар бир банкда кадрлар сиёсати асосан психология ва ишбилармонлик этикасига таянган ҳолда юритилади. Жумладан, «Агробанк»да ҳам ходимларни танлаш, жой-жойига қўйиш, бўш лавозимларни муносиб кадрлар билан бутлаш, самарали кадрлар захирасини яратиш каби муҳим вазифаларни амалга оширишда мазкур йўналишдаги илмий асослар пойдевор бўлмоқда.

Бугунги кунда кадрлар базаси хусусида тўхталиб, банкимиз тизимидаги 13 та вилоят бошқармаси, 183 та туман филиали ҳамда 271 та мини-банкда жами 7 699 нафар ходим меҳнат қилаётганлигини қайд этишим мумкин. Шундан 4042 нафари олий, 3 103 нафари эса, ўрта махсус маълумотли мутахассис-

лардан иборатдир. Мазкур ходимларнинг 114 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва Олий бизнес мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси битирувчилари саналади. Ҳозирги кунда яна 20 нафар мутахассисимиз Банк-молия академиясида таҳсил олмақда. Ходимлар умумий сонининг 44 фоизини хотин-қизлар, қарийб 65 фоизини эса, узоқ йиллардан буюн банк тизимида фаолият юритаётган малакали мутахассислар ташкил этади.

– Таъкидлаганингиздек, «Агробанк» АТБ жамоасида тажрибали ходимлар талайгина. Айтингчи, бугунги кунда банк фаолиятини барқарорлаштиришда улар малакасида қай даражада унумли фойдаланилмоқда?

– Тажрибали кадрлар билим ва салоҳиятига таяниш, албатта, ҳар қандай даврда, ҳар бир фаолият (ёки ишлаб чиқариш)да муҳим аҳамият касб этган. Шу боис, банкимиз ходимлар бошқарувида ушбу услубдан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратилади. Бу борадаги амалий ишлар хусусида тўхталиб, тизимда «Устоз-шоғирд» аънаналарининг намунали ташкил қилинганлигини, унга кўра, ишга қабул қилинган ёшлар дастлаб ўша тузилмадаги тажрибали ходимга бириктириладиганлигини, ўз навбатида, раҳбарлик лавозимларига жалб қилинаётган ёш мутахассислар учун алоҳида маҳорат дарслари ташкил қилинаётганлигини таъкидлашим жоиз.

(Давоми 9-бетда).

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Давлат номидан кимлар фойдаланиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат статистика кўмитасининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 10 декабрда 2633-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни кўшиш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома тасдиқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахсларнинг номлари ва рамзларида давлатнинг расмий номидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (2014 йил 11 ноябрдаги 286-сон) асосан «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» – давлатнинг расмий номидан, шунингдек, ундан ҳосила сўзлардан¹ қуйидагилар ўз номларида фойдаланиш ҳуқуқига эга:

Қонунларга, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ташкил этиладиган ёки фаолиятини ташкил этиш амалга ошириладиган юридик шахслар, агар уларнинг номлари тегишли ҳужжатларда тўғридан-тўғри назарга тутилган бўлса;

давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари;

устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари;

юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмалари²;

республика нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, номларида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатиладиган уларнинг алоҳида бўлинмалари;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг ташаббусига асосан ёки ушбу органлар ва уларнинг тизимига кирувчи ташкилотларнинг муассислигида ташкил этилаётган хорижий инвес-

тициялар иштирокидаги корхоналарнинг фирма номига давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни кўшиш юзасидан адлия органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Юқорида айтиб ўтилган бошқа юридик шахслар учун бундай мурожаат талаб этилмайди.

Қонунларда, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларида, Президент ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида бошқача қоида назарга тутилмаган бўлса, давлатнинг расмий номи, шунингдек, ундан ҳосила сўзлар тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахснинг захирага олинган фирма номига қўшилади. Фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида сўраб олинган кулай фирма номларини захирага олиш рўйхатга олувчи органлар томонидан Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома³ талабларига мувофиқ амалга оширилади. Фирма номларини захирага олишга талаблар банкларга, кредит бюроларига, давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат муассасаларига, юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмаларига ва республика нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, номларида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатиладиган уларнинг алоҳида бўлинмаларига ҳамда бошқа тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Ҳужжатда рўйхатга олувчи органларга мурожаат этиш

ҳамда улар томонидан давлатнинг расмий номидан, шунингдек, ундан ҳосила сўзлардан ўз номларида фойдаланиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари батафсил баён этилган.

Номига давлатнинг расмий номи, шунингдек, ундан ҳосила сўзлар қўшилган юридик шахсларнинг номини ўзгартириш тартиби назарда тутилган. Бу ваколатли органларнинг (муассисларнинг) қарорига асосан амалга оширилади.

Белгиланишича, қуйидаги ҳолларда давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни кўшиш асосида ташкил этилган юридик шахсларнинг номидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги ва ушбу ном ўзгартирилиши лозим:

давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари давлатнинг расмий номидан, шунингдек, ундан ҳосила сўзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилганда;

хўжалик жамиятларининг устав фондида (устав капиталда) давлат улуши 50 фоиздан камайганда;

юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмаси аъзолари жойлашган ҳудуд битта маъмурий-ҳудудий тузилмага тўғри келиб қолганда;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар Президентимизнинг 1996 йил 30 ноябрдаги ПФ-1652-сонли ва 2002 йил 11 июндаги ПФ-3090-сонли Фармонлари талабларига жавоб бермай қолганда.

Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2014 йил 15 декабрдаги 50 (654)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Статистика ҳисоботининг янги шакллари тасдиқланди

Давлат статистика кўмитасининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 18 декабрда 2636-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан 2015 йилги давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқланди.

Қарор кучга кирган кундан бошлаб Давлат статистика кўмитасининг «2014 йилга давлат ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 15 ноябрда 2523-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўз кучини йўқотади.

Қарор 2015 йил 1 январдан кучга кирди.

Пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тасдиқланди

Молия вазирининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 2 декабрда 2629-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Эслатиб ўтамоқчи, 2014 йилнинг 15 декабридан бошлаб энг кам:

иш ҳақи – ойига 118 400 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 231 575 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 231 575 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа – ойига 142 100 сўм белгиланди.

Тасдиқланган Низомга мувофиқ 2014 йил 15 декабрдан кейин иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентларни (2011 йил 1 октябрдан амалга киритилган) қўллаган ҳолда янги тайинланган пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун олинган иш ҳақини тенглаштириш учун ушбу Низомнинг иловасида келтирилган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари қўлланилади.

2014 йилнинг декабрь ойи учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан пенсиялар ва нафақалар ҳамда почта пул ўтказмалари бўйича тўлаш қайдномалари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда пенсиялар ва нафақалар миқдорлари 1,05 бараварга оширишни инobatга олган ҳолда тузилади.

Пенсияни ҳисоб-китоб

қилиш учун ЭКИХнинг 8 бараваридан (118 400 сўм х 8 = 947 200 сўм) ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инobatга олинади. Иш ҳақининг яқка тартибдаги коэффициентни қўлланилган янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз баравари ва ундан юқори миқдорида бўлган ҳолларда, пенсияларни қайта ҳисоблашни амалга оширишда иш ҳақи миқдори энг кам иш ҳақининг саккиз баравари 947 200 сўм (118 400 сўм х 8) билан чегараланиб, иш стажининг давомийлигига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун қабул қилинадиган фоизларга кўпайтирилади.

Ёшга доир ёки I ва II гуруҳ ногиронлик бўйича пенсионерлар пенсия тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган тақдирда, қайта ҳисоблашдаги пенсия миқдори мавжуд стажга мутаносиб равишда белгиланади.

Барча ҳолларда пенсияларга устама Президентимизнинг ПК-4672-сонли Фармонида мувофиқ 2014 йил 15 декабрдан республика ҳудудида белгиланган ЭКИХ – 118 400 сўмдан келиб чиқиб аниқланади.

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2014 йил 9 декабрдаги 49 (653)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

¹ «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» расмий номларидан ҳосила сўзлар – давлатнинг расмий номини билдирувчи «Ўз» аффикси ва «Ўзбек» сўзи орқали ясалган сўзлар (масалан, «Ўзэкспорт», «Ўзбек-Туркман Капитал», «Uz-Ros Import», «Uzbekwest» ва шу кабилар).

² Юридик шахслар республика аҳамиятига эга бўлган бирлашмалари – қатнашчилари икки ёки ундан кўп маъмурий-ҳудудий тузилмаларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятларда) жойлашган тижорат ташкилотларининг нотижорат ҳисобланувчи юридик шахс бирлашмалари.

³ Давлат статистика кўмитасининг Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 2 августдаги 2251-сонли қарори билан тасдиқланган.

O'QUV JARAYONLAR

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлида

Пойтахтимизда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга берилаётган имтиёз ва қулайликлар» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил қилинган мазкур тадбирда Тошкент шаҳар адлия ва Давлат солиқ бошқармалари мутахассислари иштирок этиб, тадбиркорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар муҳокама этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида ташкил қилинган ушбу тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

– 2014 йилда тадбиркорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти, унда белгиланган имтиёзларни тушунтиришга бағишланган турли тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил этилди, – дейди **Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бош-**

лиги ўринбосари Б.Иброҳимов. – Қувонарлиси, улар ўз вақтида натижа бера бошлади. Бугун тадбиркорларимиз ўз фаолиятида ҳуқуқий-молиявий тизимга оид барча йўналишлар бўйича ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаб, самарали иш юритяпти.

Семинар-тренингда бизнесни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини амалга ошириш масалалари хусусида сўз юритилди. Шу билан бирга, Палатанинг ҳудудий бошқармалари, шаҳар, туман бизнес ҳамда ахборот-маслаҳат марказлари эътиборини Тошкент шаҳридаги саноат корхоналари ва кичик бизнес субъектлари фаолиятида учраётган муаммоларни бар-тараф этишга қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Тадбирда республикаимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ёшларни кичик бизнесга кенг жалб этиш, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорлар учун солиқ тизимида яратилаётган имтиёз ва афзалликлар борасида тушунтиришлар берилди.

Гулшан ЮСУПОВА.

Банкларда маркетинг стратегияси

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Бош биносида ташкил этилган семинар ана шундай номланди.



Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма қассалари фонди билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасида молия соҳасини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида ўтказилди. Унда Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма қассалари фонди эксперти Михаил Франц банк ходимларига маркетинг соҳасининг молиявий ташкилотлар фаолиятидаги аҳамияти ва истиқболлари борасида маълумот берди.

Семинар Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткич-

ларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарорида белгиланган вазифалар, шу жумладан, банкнинг молия бозорларида иштирок этишини кенгайтириш ҳисобига инвестициявий имкониятларини ошириш, юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш каби вазифалар ижроси доирасида ташкил этилди.

Таъкидлаш жоиз, икки кун давомида бўлиб ўтган ушбу семинар ва у бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар банкда маркетинг фаолиятини халқаро стандартлар асосида янада такомиллаштириш ҳамда муассаса фаолиятини халқаро тажрибаларга мос равишда юқори даражада ташкил этишга хизмат қилади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

БМАда япониялик профессор билан учрашув



Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида Васеда университети (Япония) профессори, БМА фахрий профессори ва маслаҳатчиси Тошихару Китамура билан учрашув бўлиб ўтди.

Ташриф давомида профессор Т.Китамура академиянинг «Банк иши», «Молия», «Лойиҳавий молиялаштириш» факультетлари магистрантлари ҳамда профессор-ўқитувчиларига «Чет эл валюта айирбошлаш бозорлари ва пул сиёсати» мавзусида маъруза ўқиди. Барча иштирокчилар мазкур маъруза материаллари бўйича муҳокама семинарида қатнашди.

Бундан ташқари, профессор Т.Китамура 2014 йил ёзги семинар иштирокчилари ҳамда бошқа қизиқувчилар учун пул сиёсати, турли айирбошлаш схемалари, валюта савати ва халқаро резерв (SDR) мавзуларида ҳам семинар ташкил этди.

Т.Китамура Тошкентга сафари давомида JETRO (Ташқи савдони ривожлантириш Япония ташкилотининг минтақавий ваколатхонаси) ва JICA Халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда Жаҳон банкнинг бош иқтисодчиси Э.Трушинлар билан ҳам учрашди.

Назира МАВЛОНОВА.

Кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш

молиявий менежментни самарали бошқаришнинг асосий шартидир

(Давоми. Бошланиши 7-бетда).

2015 йилдан банк тизимига янги ишга қабул қилинган ҳамда стажи камида 1 йил бўлган ходимлар учун касб этикаси, банк сири, банк ички тартиб-қоидалари, ички назорат ҳамда маънавият ва маърифат масалалари бўйича 3 кунга мўлжалланган махсус ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва ўқишларни ҳудудий асосда ташкил қилиш режалаштирилган.

– **Иброҳим Сирожиддинович, шу ўринда 2014 йилда банкингизда ходимлар малакасини ошириш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами билан таништириб ўтсангиз.**

– Республикаимизда тижорат банклари фаолияти эркинлаштирилган, қолаверса, гарчи уларнинг аксарияти стратегик жиҳатидан маълум йўналишларни қамраб олса-да, молия бозорида универсал муассаса сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Ушбу омиллар банклар ўртасидаги рақобатни юзага келтирган бўлса, бошқа, хусусан, ахборот технологиялари асосида замонавий хизматларнинг жорий этилиши, мижозларнинг банкларга бўлган эътибори (яратилган шарт-шароитларига, хизматлари кўлами ва таърифига, ходимлар муомаласига) кучаяётганлиги

ушбу жараён (рақобат)ни янада кучайтирмоқда. Мана шундай шароитда барқарор фаолият юритишда, албатта, ходимлар малакасини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, банкимизда ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар намунали ташкил қилинган. Хусусан, ходимларимиз даврий равишда республикаимиздаги ўқитиш ва малака оширишга ихтисослашган Ўзбекистон молиявий-иқтисодий тараққиёт халқаро маркази, Минтақавий банк ўқув маркази, Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси ҳамда Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ўқув марказларига малака оширишга юборилади.

Раҳбар лавозимларига захирага олинган ходимлар учун эса, 7 кунлик малака ошириш дастури мавжуд бўлиб, унга кўра ўқувлар банкнинг Марказий апарати биносида Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда ўтказилади. 2014 йил давомида ушбу ўқишларда филиал бош бухгалтерлари ва бошқарувчиси лавозимларига захирага олинган 200 нафар ходим ўқитилди.

Шунингдек, ходимларимизни қонунчиликдаги ўзгартиришлар билан таништириш, фаолиятларида мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида ички тренинг-

ўқувлар ташкил этилади. Бундай ўқишлар қисқа муддатлар (1, 2 ёки 3 кун)га мўлжалланган бўлиб, машғулотлар банк Марказий апаратининг малакали ходимлари томонидан ўқитишнинг замонавий усуллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда махсус жиҳозланган ҳудудий бошқармалар, хусусан, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоят бошқармалари ҳамда Тўрткўл ўқув бўлимларида олиб борилади. 2014 йил мобайнида мазкур дастур асосида 5 300 нафар ходим ўқитилди.

Бундан ташқари, 2014 йилда банк соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик ишлари изчил давом эттирилди. Жумладан, Тошкент молия институти, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент Ислом университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент давлат юридик университетида ташкил қилинган «Карьера кунлари»да биз ҳам иштирок этиб, битирувчи талабалар орасидан банк тизимида ишлаш истагини билдирган 130 нафардан ортиқ ёшларни танлаб олдик.


– **Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат!**

Юлдуз ЗОКИРОВА
суҳбатлашди.

STATISTIKA

Биржа савдолари ҳажми


2010-2014 йилларнинг ноябрь ойларида (млрд. сўмда)



«Тошкент» РФБ биржа айланмасининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2013 йил ноябрь	2014 йил ноябрь
Қимматли қозғалар билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	27	25
Битимлар сони, донада	77	154
Қимматли қозғалар сони, млн. донада	9,7	12,8
Битимлар миқдори, млрд. сўмда	5,9	13,0

Биржа айланмасининг динамикаси сўнги 12 ой мобайнида (млрд. сўмда)



Биржа савдолари натижалари бўйича инвесторлар ҳақида маълумот 2014 йилнинг ноябрь ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар миқдори, млн. сўмда
Жисмоний шахслар		
Мурожаатлар	79	283
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	30	3547,3
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	109	3830,3
Юридик шахслар		
Мурожаатлар	38	1555,3
Қўшимча эмиссияларни жойлаштириш	7	7571,5
Хусусийлаштириш	0	0
Жами	45	9126,8
Жисмоний шахсларнинг умумий ҳажмдаги улуши	70,8 фоиз	29,6 фоиз
Юридик шахсларнинг умумий ҳажмдаги улуши	29,2 фоиз	70,4 фоиз

Қимматли қозғалар биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2014 йилнинг ноябрь ойида

	умумий ҳажмига нисбатан фоизда
банклар	87,0
ижтимоий соҳа	0,06
саноат	0,2
қурилиш	1,3
агросаноат мажмуаси	7,5
суғурта	2,7
лизинг	1,2
бошқалар	0,005

Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2014 йилнинг январь-ноябрь ойларида (яқунига кўра фоизда)



Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2014 йилнинг январь-ноябрь ойларида (яқунига кўра фоизда)



Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2014 йилнинг ноябрь ойида

	умумий ҳажмига нисбатан фоизда
лизинг компаниялари	3,2
кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	58
хорижий инвесторлар	2,1
суғурта компаниялари	7,1
жисмоний шахслар	29,6

Биржа савдоларида иштирок этувчи брокерлик идоралари рейтинги, 2014 йилнинг ноябрь ойида

	Битимлар сони, донада	Битимлар умумий миқдори, млн. сўмда
«Portfolio Investments» МЧЖ	33	11 244,4
«Kapital-Depozit» МЧЖ	23	11 063,6
«FULL STOCK GROUP» МЧЖ	7	1 393,7
«Universal Depozit» МЧЖ	10	1 393,2
«Birinci Banklararo Depozitariy» МЧЖ	27	266,8
«Alp omad invest» МЧЖ	81	185,4
«Ҳамкорбанк» АТБ	10	163,0
«Orient Securities» МЧЖ	4	56,0
«ТашИнвестКом» МЧЖ	46	54,9
«TAT REESTR» МЧЖ	2	42,6
«Dalal Standard» МЧЖ	40	


«Тошкент» РФБ биржа айланмасида листинг компанияларининг улуши 2010-2014 йилларнинг ноябрь ойида (умумий айланмага кўра фоизда)



РЕПО битимлари биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2014 йилнинг январь-ноябрь ойларида (яқунига кўра фоизда)



Савдо майдонлари кесимида листинг компаниялари айланмасининг таркиби 2014 йилнинг январь-ноябрь ойларида (фоизда)




Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП 10 лиги, 2014 йил бошидан буён

Эмитент номи	Ҳажми, млн. сўмда
«Ҳамкорбанк» АТБ	27,4
«InFinBank» ХАТБ	15,6
«Трастбанк» ХАББ	9,4
«Туронбанк» АТБ	6,6
«Капиталбанк» АТБ	5,9
«Ипак йўли» АИТБ	4,9
«Туркистон» ХАТИБ	4,4
«Равнақ-банк» ХАТБ	2,8
«ЎзРВБ»	2,3
«Kapital Sug'urta» СК	1,9

Қимматли қозғалар биржа бозорининг таркиби, 2010-2014 йилларнинг январь-ноябрь ойлари учун

	жойлаштиришнинг бирламчи бозори	мурожаатларнинг иккиламчи бозори
2010 йил	12,5 фоиз	87,5 фоиз
2011 йил	35,6 фоиз	64,4 фоиз
2012 йил	69,0 фоиз	31,0 фоиз
2013 йил	63,4 фоиз	36,6 фоиз
2014 йил	72,2 фоиз	27,8 фоиз

DUNYOGA NIGOH



Литва: расман еврохудуд таркибида


Бундан буён ушбу мамлакат ЕМБ бошчилигидаги Ягона назорат механизми таъсири остида бўлади.

Йиллик стресс-синовлардан муваффақиятли ўтган SEB Bankas, Swedbank ва DNB Bankas сингари Литвадаги учта банк еврохудуд банклари рўйхатидан ўрин эгаллайди. Европа Марказий банки, Литва МБ ЕМБ сармоясига ўз улушини киритди ва ўз омонатларини халқаро захира активларига айлантди.

Литванинг бириктириш натижасида ягона валютадан фойдаланувчи европалар сони 337 млн. нафарга етди. Литва Марказий банки чекланмаган даражада исталган муддатда лит пул бирлигини еврога расман тасдиқланган қийматда, яъни 1 евро = 3,45280 лит қийматида айирбошлаш вазифасини зиммасига олади.

Тижорат банклари эса эски валютани янгисига 2015 йилнинг 30 июнига қадар айирбошлаш олади. 1 минг еврогача бўлган пул маблағини фуқаролар почта бўлинмаларида жорий йилнинг 1 мартига қадар алмаштириши мумкин. Еврога ўтиш жараёнини енгиллаштириш мақсадида аксарият банклар ўз иш фаолияти муддатини чўзишига тўғри келмоқда. Хусусан, 1 январдан бошлаб Литванинг йирик банкларидаги 50 дан ортиқ филиаллар эшиги куннинг иккинчи ярмида ҳам очик, 2015 йил 30 июнига қадар пул муносабатлари иккала валютада ҳам амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу билан ўтиш даврида кузатилиш эҳтимоли катта бўлган нархларнинг сунъий ошиши ва чайқовчилик урчиши олдини олиш режалаштирилган.

Қўшни мамлакат ҳисобланмиш Латвия еврохудуд таркибига 2014 йилнинг 1 январда қўшилган эди. Еврокомиссия берган маълумотларга қараганда, 4 январдаёқ Латвиянинг учдан икки қисм дўконларидаги олди-сотди муносабатлари еврода амалга оширилиши қайд этилган. Литвада ҳам Латвиядагидек вазиятдан фойдаланиб, давлат курсидан баланд қийматда валюта айирбошлаш билан шуғулланувчилар ЕИ томонидан қатъий назоратга олинад ва жаримага тортилади.



Олий мақсадлар учун

Испания Олий суди мамлакатнинг йирик банки – Santanderни ўз ҳисоб рақамлари ёрдамида 3 млн. евродан ортиқ маблағлар билан иш юритган 100 мингдан ортиқ мижозларга оид маълумотларини тақдим этишга мажбур қилди.

El Confidencial нашрида ёзилишича, фирибгарлик билан боғлиқ жиноятларни фош этиш Миллий департаменти (мамлакат Солиқ тизими таркибидаги бўлинмалардан бири) 2008 йилдаёқ мазкур банкдан 2006-2007 йилларда 3 млн. евролик фаолиятни амалга оширган мижозлар рўйхатини тақдим этишни талаб этган. Бироқ банк рад жавобини бериб, Марказий иқтисодий-маъмурий судга ва Миллий суд коллегиясига ариза билан мурожаат қилган эди. Иккала ташкилот ҳам банкнинг даъво аризасини қаноатлантормаганлиги сабабли ишни кўриш вазифаси Олий суд зиммасига юклатилганди.

Олий суднинг ажримига биноан

солиқ ташкилотига маълумотлар тақдим этилиши мажбурияти «солиқ мазмунига эга»лиги билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида «солиқ мазмунига эга» деганда, ажримга асосан «Конституциянинг 31,1-моддасида белгиланганидек, маълум доирадаги шахсларнинг ўз зиммаларидаги вазифаларни адо этаётганлиги ёки йўқлигини аниқлашга хизмат қилувчи маълумотлар ва ҳолатлар ҳақида хабар бериш давлат бюджетининг салоҳиятини оширишга кўмак бериши мумкин». Банк эса давлат ташкилотларининг аралашуви 100 мингдан ортиқ мижознинг манфаатига зид келишига оид ўз эътирозини билдирган эди.

Собиқ ўқитувчи Осиёнинг энг бадавлат шахси

Америкадаги Bloomberg агентлигининг хабар беришича, дунёнинг энг бадавлат инсонларига тегишли умумий ҳажмдаги сармоя миқдори 92 млрд. АҚШ долларига ортди.

Уларнинг ҳисобича, курраи заминдаги энг бадавлат 400 кишининг ялпи умумий пул маблағи 4,1 трлн. долларга етди. Улар орасида энг катта муваффақиятни қўлга киритганлар – Хитойдаги Alibaba номли онлайн-ретейлер компания директорлар кенгаши раиси Жек Ма, Dalian Wanda Group инвестицион компанияси соҳиби Ван Цзяньлинь ҳамда худди шунга ўхшаш компания – Berkshire Hathaway бошлиғи Уоррен Баффетдир.

Хусусан, Жек Ма ўтган йил давомида ўз сармоясини 25,1 млрд. АҚШ долларига кўпайтиришга эришди. 1999 йилда унинг асосчилигида шаклланган қимматли қоғозлар нархи якунига етган 2014 йилнинг сентябрь ойида илк марта деярли 56 фоизга кўтарилди. Шу аснода, агентликнинг қайд этишича, собиқ инглиз тили ўқитувчиси Осиёнинг энг бадавлат шахсига айланди.

Berkshire Hathaway акциялари 28 фоизга қимматлашгани сабабли Баффет 13,7 млрд. доллар даромадга эга бўлди. Эътиборлиси, миллиардер томонидан сўнги беш йил ичида қўлга киритилган ҳар бир маҳсулот наф келтира бошлади.

Ван Цзяньлинь компанияси эса 2014 йилда акцияларини савдога бирламчи жойлаштириши натижасида 12,8 млрд. АҚШ доллари миқдорида фойда кўрди. Унга тегишли барча активларнинг умумий қиймати 25,3 млрд. долларга етди.

Мақбуллаштиришнинг осон йўли

Дунёнинг энг йирик молиявий корпорацияларидан бири ҳисобланган Citigroup Япониядаги улгуржи банк хизматини юритувчи бизнеси – Sumimoto Mitsui Banking Corporation (SMBC)ни сотишга келишиб олди.

Бизнесини сотишдан мақсад – корпорация бутун дунё бўйича улгуржи банк хизматини тақдим этаётган ташкилотларини мақбуллаштиришга оид стратегиясини амалга ошириш саналади. Citigroupнинг Япониядаги улгуржи бизнесида 1,6 мингга яқин ходим, мижозларнинг 740 минг яқин ҳисоб рақами ҳамда 2,5 трлн. иена (21 млрд. АҚШ долларида ортиқ) миқдорида омонатлар мавжуд.

Корпорация битимнинг молиявий шарт-шароитини ошкор этмаяпти. Битим 2015 йил якунига қадар имзоланиши кутилмоқда.

Унинг Япониядаги жамоавий, ташкилий ва давлат ташкилотидagi ми-

жозларга кўрсатилаётган банк хизмати тўхтатилмайди.

– Бу Citi ва унинг ходимлари, мижозлари учун яхши натижадир, – дейилади Citibank Japan бош директори Питер Элиотнинг ёзма баёнотида.

1812 йилда асос солинган Citigroup банк тармоғи 100 дан ортиқ мамлакатларда 5 мингдан зиёд идорага эга бўлиб, айниқса, унинг АҚШ банк тизимидаги ўрни юқори. Шунингдек, унинг номи асосий рақиблари ҳисобланмиш Bank of America, JPMorgan Chase ва Wells Fargo билан бир қаторда «катта тўртлик» рўйхатидан жой олган.

Маслаҳатлашиб олиш ниятида

Халқаро валюта фонди Грецияга навбатдаги моддий ёрдам траншини юборишга оид муҳокамага ҳозирча яқун ясади.

Уни қайта бошлаш янги ҳукумат таркиби шакллантирилган, йўлга қўйилиши белгиланмоқда.

– Греция ҳукумати билан олтинчи бор олиб борилмак музокаралар янги ҳукумат ташкил этилиши билан давом этади, – дейди ХВФ вакили Герри Райс.

Аввал хабар қилинганидек, ЕМБ мамлакат ҳукумати билан моддий ёрдам ажратиш юзасидан маслаҳатлашиб олиш ниятида.



Европа фонд бозори янгиликлари

Европанинг муҳим фонд майдонида ўтказилган савдо якунлари салбий натижани кўрсатди.

Буюк Британиянинг FTSE 100 биржасидаги натижа ундан аввалгисига нисбатан 0,55 фоизга пасайиб, 6 511,4 пунктни ташкил қилди. Германиянинг DAXида 0,1 фоизга, Франциянинг CAC 40 ида эса 0,13 фоизга пасайиш кузатилган бўлиб, 9 757,84 ва 4 246,72 пунктни ташкил этди.

XABARLAR, VOQEALAR

Фаолият сарҳисоб қилинди

«Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан муассасанинг 2014 йилги фаолияти якунлари ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури бўйича амалга оширилган ишлар сарҳисобига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирни «Ўзбекивест» ЭИМСК бош директори ўринбосари Жамшид Ризаев кириш сўзи билан очиб, йиғилганларга бугун республикамизда суғурта соҳаси жадал суръатлар билан ривожланаётгани ва у мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим аҳамият касб этувчи бўлинига айланиб бораётганлигини таъкидлади.

– Хусусан, компаниямиз томонидан амалга оширилаётган ишлар салмоғи ва унинг асосида юзага келаятган барқарор натижалар бунинг ёрқин далилидир, – дейди Ж.Ризаев. – 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, «Ўзбекивест» ЭИМСК томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 135 фо-

изга ўсиб, 57,9 млрд. сўмни ташкил этди. Бунда энг кўп улуш транспорт воситаларининг бошқа турлари (18 фоиздан ортик) ҳамда мол-мулк суғуртаси бўйича йиғилган суғурта мукофотларига тўғри келмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида қабул қилинган суғурта мажбуриятлари 189 фоизга ўсиб, 71,59 трлн. сўмдан ортик суғурта тўловлари тўлаб берилди.

Дарҳақиқат, «Ўзбекивест» ЭИМСК бугунги кунда суғурта тизимида 20 йиллик тажрибага эга бўлиб, хорижий инвесторлар ва маҳаллий экспортчилар манфаатларини ишончли суғурта ҳимояси билан таъминламоқда. Чунончи, 2014 йилда маҳаллий экспортчиларга 207 та суғурта



полиси асосида 284 млрд. сўмдан ортик суғурта ҳимояси тақдим этилди.

Айни пайтда компания инфратузилмаси 124 та суғурта бўлими, 14 та ҳудудий филиал ҳамда 800 дан ортик суғурта агентликлари тармоғини ўз ичига олиб, улар орқали республикамиз аҳолиси, айниқса, қишлоқ жойларига суғуртанинг аънавий ва янги турлари етиб бориши таъминланмоқда. Хусусан, «Соғлом бола йили» муносабати билан ишлаб чиқилган «Меҳрибон ота-оналар», «Она ва бола», «Соғлом бола» номли суғурта турлари барча минтақаларга кенг тарқатилди. Натижада мазкур суғурта хизматлари асо-

сида 2,7 млрд. сўмлик суғурта ҳимояси олинди.

Анжуманда иштирокчилар «Ўзбекивест» ЭИМСКнинг жорий «Кексаларни эъозлаш йили»да амалга оширишни режалаштирган чора-тадбирлари билан танишди. Унда қайд этилишича, компания 2015 йилда жойларда яна 12 та янги бўлинма очиб, улар сонини 136 тага етказишни, аҳолининг кекса ёшдаги қатлами учун 3 та янги суғурта хизматини жорий қилишни, мавжуд турлари бўйича эса суғурталанувчиларга 30 фоизгача чегирма беришни мўлжаллаган.

Ширин БАЙСЕНОВА.

«Ўзагросуғурта» суғурта компанияси рейтинг

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги 2014 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича рейтинг мониторинги натижаларига кўра, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компаниясига (АЖ) «барқарор» прогнози билан миллий шкала бўйича «uzA++» даражасидаги тўловга қобилиятлилик рейтингини тасдиқлади.

«Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) ўз фаолияти давомида суғурталашнинг барча асосий турлари бўйича етарлича тажриба тўплади. 2014 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)нинг барча активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 47,80 фоизга ошди ва 111,2 млрд. сўмни ташкил этди (2013 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича – 75,3 млрд. сўм). Бундан ташқари, кўриб чиқилаётган давр мобайнида суғурта компаниясининг барча инвестициялари ҳажми 2013 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан 10,64 фоизга ошди ва уларнинг «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ) барча активлари таркибидаги улуши 50,88 фоизни ташкил этди (2013 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича – 67,97 фоиз). Шу жумладан, суғурта компаниясининг узоқ муддатли инвестициялари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,48 фоизга ошди ва 2014 йилнинг I ярим йиллиги бўйича унинг барча инвестицияларининг 20,96 фоизини ташкил этди. Шу билан бирга, «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)нинг қисқа муддатли инвестициялари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,22 фоизга ошди ва уларнинг суғурта компанияси жами инвестицияларидаги улуши 79,04 фоизни ташкил этди.

«Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)нинг кўриб чиқилаётган пайтда капиталлашуви адекват даражасида баҳоланди. 2014 йилнинг I ярим йиллиги мобайнида «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)нинг устав капитали 10,9 млрд. сўмни ташкил этди, бу регулятор нуқтаи назаридан қараганда яқин келажак учун етарли даража ҳисобланади.

Таҳлил этилаётган даврдаги фаол инвестициявий фаолияти туфайли «Ўзагросуғурта» ДАСК (АЖ)нинг молиявий фаолиятдан даромадлари 2013 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан 27,75 фоизга ошди ва 3,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Реклама



MIKROKREDITBANK

**«On-line»
plastik kartochkalari –
zamonaviy, tezkor va qulay!**

tel: 0(371) 273-05-70, 273-05-80
www.mikrokreditbank.uz

Xizmatlar litsenziyalangan.



UZ card

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ–ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАО

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади.

Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 1950

Адади: 10642 нусха.

Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 6.01.2015 й.